



БИР ОВОЗ – БИР ФИКР: ҚОНУНЧИЛИК ВА НАЗОРАТ МУҲОКАМАСИ



ЯЛПИ МАЖЛИС



Парламент фаолияти – бу нафақат қонунлар қабул қилинадиган жой, балки халқ манфаатлари ҳимоя қилинадиган, долзарб масалалар очиқ муҳокамадан ўтадиган муҳим сиёсий майдондир. Қонунчилик палатасининг ялпи мажлислари эса ана шу жараённинг асосий босқичларидан бири бўлиб, унда мамлакат ҳаётига таъсир қиладиган ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинади. Шу жиҳатдан олганда бу жараён доимо диққат марказида бўлиши муҳим.

Кеча бўлиб ўтган навбатдаги йиғилиш ҳам кенг муҳокамалар асосида ўтди. Депутатлар бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқишди.

ХУСУСИЙ МУЛК: ҚОНУНЧИЛИКДА ЯНГИ КАФОЛАТЛАР

Қўйи палата ялпи йиғилиши кун тартиби бўйича дастлаб бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган хусусий мулк ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтириш, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланишга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

► (Давоми 2-бетда)

ЎзХДП: МУНОЗАРА КЛУБИ

УЙ-ЖОЙ ВА МУЛК ҲУҚУҚИ: НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАР ҚАЧОН ТЎХТАЙДИ?



Ҳар бир инсон ўз бошпанасига эга бўлиши, ўз уйида эркин ва хавфсиз яшашни истайди. Уй бу фақат жой эмас, у ўзига ишонч, орзулар, эркинлик жойлашган макондир. Чунки инсон фақат ўз уйидагина ўзлигини ҳис қилади, хотиржам бўлади, ҳаловат топади.

► (Давоми 4-бетда)

ОГОҲЛИК

ҚИШ ЯҚИН...

Кунлар салқинлаб, тунлари кеч кузнинг совуғи этни жунжиқтиради. Ҳозирданоқ аҳоли хонадонларида, айниқса, ёш боласи ва кексалари бўлса, иситиш ускуналарида фойдаланишга ўтилган. Ижтимоий объектларда, ташкилот ва корхоналарда ҳамда кўп қаватли уйларда иситиш мавсумига ҳозирлик ишлари якунига етмоқда. Ахир ҳадемай қиш эшик қоқиб келади.

► (Давоми 6-бетда)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЁШЛАР КИТОБНИ ТАНЛАСА, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАНЛАЙДИ

7

ТАШРИФДАН СЎНГ...



КЎЗ ЎНГИМИЗДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

3

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

СИРДАРЁДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?



5

ЯЛПИ МАЖЛИС

БИР ОВОЗ – БИР ФИКР: ҚОНУНЧИЛИК ВА НАЗОРАТ МУҲОКАМАСИ

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Таъкидландики, кейинги йилларда мамлакатимизда мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтиришга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, хусусий мулк ҳуқуқининг ҳар қандай бузилиши учун жавобгарликни таъминлаш, ижарага олинган қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг бир қисмига бўлган ҳуқуқ ва мажбуриятларни бошқа шахсга ўтказишнинг (қайта ижарага беришнинг) ҳуқуқий асосларини белгилаш зарурияти юзага келмоқда.

Шундан келиб чиқиб, лойиҳада айрим қонун ҳужжатларига товарларнинг, хизматларнинг ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланишига ёки товарларнинг реализация қилинишига қонунга хилоф равишда аралашганлик ёхуд тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда.

Шунингдек, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувларида кўтарилган таклифлари асосида қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасининг ижарачиси ўзига ижарага берилган ер участкаларидан бири ёки бир нечтаси бўйича ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа шахсга ўтказиш (қайта ижарага бериши) мумкинлиги нормаси акс эттириляпти.

Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши мамлакатимизда хусусий мулк ҳуқуқи кафолатларини янада кучайтириш, ердан фойдаланувчиларнинг кафолатланган ҳуқуқлари таъминланишига ҳамда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларидан самарали фойдаланиш имконини оширишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

**“ДАВЛАТ БОЖИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ
ҚОНУНГА ЯНГИЛИКЛАР
КИРИТИЛМОҚДА**

Мажлисда депутатлар “Давлат божи тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 13-ва 15-моддаларига қўшимча

“

ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИНГ
ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ
МАМЛАКАТИМИЗДА
ХУСУСИЙ МУЛК ҲУҚУҚИ
КАФОЛАТЛАРИНИ ЯНАДА
КУЧАЙТИРИШ, ЕРДАН
ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРНИНГ
КАФОЛАТЛАНГАН
ҲУҚУҚЛАРИ
ТАЪМИНЛАНИШИГА
ҲАМДА ҚИШЛОҚ
ХЎЖАЛИГИГА
МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР
УЧАСТКАЛАРИДАН
САМАРАЛИ
ФОЙДАЛАНИШ
ИМКОНИНИ ОШИРИШГА
ХИЗМАТ ҚИЛАДИ.

ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқишди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан “Давлат божи тўғрисида”ги қонунга “Ватандош” картаси эгалари ҳамда уларнинг оила аъзолари учун миграция ва фуқароликка доир ҳужжатларни расмийлаштириш ҳамда уларни



ўзи турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказиш (унинг муддатини узайтириш) борасида имтиёзлар бериш бўйича қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, “Ватандош” картаси эгаларининг оила аъзолари амалдаги виза муддатини кўп марталик қилиб узайтирганда, шунингдек, улар ва оила аъзолари турган жойи бўйича рўйхатдан ўтказилганда ва рўйхатга олинган муддатини узайтирганда давлат божидан озод этилиши назарда тутилмоқда.

Мажлисда қонун лойиҳасининг қабул қилиниши хорижда истикомат қилаётган ватандошларга Ўзбекистон ҳудудида профессионал, шу жумладан, тадбиркорлик, инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолият билан шуғулланишлари учун қулай ҳуқуқий, ижтимоий шароитларни яратишга хизмат қилиши қайд этилди.

Мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

**ДОРИ АЙЛАНИШИДА
НАЗОРАТ КУЧАЯДИ.
НОҚОНУНИЙ СОТУВГА
ЖАВОБГАРЛИК
ОШИРИЛМОҚДА**

Сир эмас, дорихонларда рецепт талаб қилмай сотилаётган дори воситалари аҳолининг ҳаёти ва саломатлигига хавф солмоқда. Шу сабабли депутатлар бу муаммони бартараф этиш ва ноқонуний айланмага нисбатан қатъий жавобгарлик жорий этишни таклиф қилмоқда.

Мажлисда бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган рецепт билан бериладиган дори воситаларининг ноқонуний айланмаси учун жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда фармацевтика тармоғини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, аҳолини сифатли ва хавфсиз дори воситалари, тиббий буюмлар билан таъминлаш ҳамда фармацевтика маҳсулотлари муомаласини тартибга солишга қаратилган ислохотлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, сўнгги йилларда рецепт билан бериладиган дори воситаларининг ноқонуний муомаласи, уларни қонунга хилоф равишда реализация қилиш ва инсон ҳаёти учун

хавфли оқибатларга сабаб бўлаётган ҳолатлар кўпаймоқда.

Амалдаги қонунчиликда бундай ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган санкциялар номуносиб бўлиб, дори воситалари ва тиббий буюмларнинг ноқонуний муомаласига барҳам бериш

“

ТАҲЛИЛЛАРГА КЎРА,
2022–2025 ЙИЛЛАР
ДАВОМИДА 18
МИЛЛИАРД СЎМЛИК
285 МИНГ ДОНА
ДОРИ ВОСИТАСИ
НОҚОНУНИЙ
АЙЛАНМАДАН ОЛИБ
ҚЎЙИЛГАН. БИРГИНА
2024 ЙИЛДА БУНДАЙ
ҲОЛАТЛАР 2022
ЙИЛГА НИСБАТАН
3 БАРАВАРГА
КЎПАЙГАН.

ва олдини олиш бўйича ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириш зарурияти юзага келмоқда.

Таҳлилларга кўра, 2022–2025 йиллар давомида 18 миллиард сўмлик 285 минг дона дори воситаси ноқонуний айланмадан олиб қўйилган. Биргина 2024 йилда бундай ҳолатлар 2022 йилга нисбатан 3 бараварга кўпайган.

Мазкур қонун лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига рецепт асосида бериладиган дори воситаларининг ноқонуний муомаласига қарши жазо чораларини кучайтириш таклиф этилмоқда.

Жумладан, таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ёки кўп миқдорда содир этилган ҳолатларда — жиноий жавобгарликни белгилаш ва икки юз баравардан уч юз бараваргача миқдорда жарима жазоси назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлмаган дори воситаларини ҳамда таркибида кучли таъсир қилувчи моддалар мавжуд бўлган дори воситаларини рецепт бўйича чакана реализация қилиш тартибини бузганлик учун амалда белгиланган жарималар миқдорини оширишни кўзда тутувчи ўзгартиришлар киритилияпти.

Қонун ташаббускорларининг таъкидлашича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши аҳоли саломатлигини ишончли ҳимоя қилиш, дори воситаларини реализация қилиш талабларига қатъий риоа этилишини таъминлаш ҳамда ушбу соҳада ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилади. Мунозаралардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинди.

**ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ:
ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ
КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ ИЗОҲИ**

Мажлисда, шунингдек, депутатлар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг парламент сўровига жавобини кўриб чиқишди.

Қонунчилик палатасининг шу йил 23 сентябрда бўлиб ўтган мажлисида кўп квартиралар уйларга туташ ҳудудлардаги яшил майдонлар, болалар ўйингоҳлари ва спорт майдончаларини жой мулкдорлари, бошқарув сервис компаниялари томонидан сақлаш ва доимий ободонлаштириб бориш, уларнинг туташ ҳудудлари ноқонуний эгаллаб олинишининг олдини олиш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан асослантирилган тушунтиришлар бериш сўралган эди.

Маълум қилинишича, айни вақтда республика бўйича 1,5 млндан ортиқ хонадондан иборат 44 280 та кўп квартиралар уйлар мавжуд. Шундан 39 859 та уйларга 971 та бошқарувчи ташкилотлар, 851 та уйларга 241 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан хизмат кўрсатиб келинмоқда.

Президентимизнинг 2023 йил 15 августдаги қарори ижросини таъминлаш доирасида 40 735 та кўп квартиралар уйининг туташ ер участкалари чегаралари аниқланиб, уларни жойлар мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш учун маҳаллий ҳокимликлар томонидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ҳозирда кўп қаватли уйларнинг туташ ҳудудларида

“

СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА
РЕЦЕПТ БИЛАН
БЕРИЛАДИГАН ДОРИ
ВОСИТАЛАРИНИНГ
НОҚОНУНИЙ
МУОМАЛАСИ, УЛАРНИ
ҚОНУНГА ХИЛОФ
РАВИШДА РЕАЛИЗАЦИЯ
ҚИЛИШ ВА ИНСОН
ҲАЁТИ УЧУН ХАВФЛИ
ОҚИБАТЛАРГА САБАБ
БЎЛАЁТГАН ҲОЛАТЛАР
КЎПАЙМОҚДА.

9 937 та болалар майдончаси, 2 385 та умумий фойдаланишдаги хожатхона, 285 минг погонometrга яқин ирригация тармоғи ҳамда 7,8 млн. м² бетон йўлаklar мавжуд.

2017–2024 йиллар давомида 2 777 та болалар майдончаси, 386 та умумий фойдаланишдаги хожатхона қурилиб, 92 минг погонometr ирригация тармоқлари ва 1,5 млн м² йўлаklar таъмирланган. 2026–2030 йилларга мўлжалланган режаларга кўра, яна 1 656 та болалар майдончаси, 474 та умумий фойдаланишдаги хожатхона, 176 минг погонometr ирригация тармоқлари ва 1,7 млн м² бетон йўлаklar қурилиши кўзда тутилган.

Кўп квартиралар уйларни бошқариш органлари “Яшил макон” лойиҳаси доирасида ҳудудларни ободонлаштириш, гул ва дарахт кўчатлари экиш ишларини амалга оширмоқда. Жорий йилнинг баҳорида 248 881 туп меваги ва манзарали дарахт ҳамда буталар экилган.

2025 йилда олиб борилган назорат тадбирлари давомида кўп квартиралар уйларга туташ ерларда 1 952 та ноқонуний қурилиш ҳолати аниқланган. Улардан 738 таси жойида бартараф этилган бўлса, қолган 1 214 та ҳолат юзасидан судларга даъво аризалари киритилган.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида вазирликка жисмоний ва юридик шахслардан 1 807 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг аксарияти кўп квартиралар уй-жойларни бошқариш органларидан бўлиб, таклиф ва муаммолар мунтазам таҳлил қилинмоқда ҳамда амалий чоралар кўрилмоқда.

Депутатлар ушбу йўналишда вазирлик томонидан муайян ишлар амалга оширилгани, шу билан бирга соҳадаги қонун бузилишларининг олдини олиш, кўп квартиралар уйларнинг туташ ер участкаларини кўп квартиралар уй-жой мулкдорларига доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида бериш тўғрисида қарорлар қабул қилинишини жадаллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Шунингдек, уйларнинг туташ ер майдонларида ободонлаштириш ишларидан сўнг дарахтлар, гул кўчатлари ва бошқа яшил ўсимликларни қаровсиз қолдирмасдан доимий парваршлаб бориш лозимлиги таъкидланди.

Мажлисда мазкур масала юзасидан доимий парламент назорати олиб борилиши қайд этилиб, қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг жавоби маълумот учун қабул қилинди.

**Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози”
мухбири.**

МУНОСАБАТ



Сўнгги ойларда халқаро сиёсий арена­ларда ўтказилган глобал саммит ва йиғилишларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сури­лаётган ташаббуслар бугунги сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан беқарор даврда ниҳоятда долзарб масалаларни қамраб олгани билан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, МДХ Давлат раҳбарлари кенга­шининг навбатдаги йиғилишида қайд этилган ташаббуслар на­фақат мамлакатимиз, балки бутун минтақанинг барқарор ривож­ланиши, иқтисодий ва сиёсий ҳам­корликни мустаҳкамлаш, инно­вацион тараққиётни жадаллаштиришда муҳим ўрин тутadi. Бугунги глобал беқарорлик ва геосиёсий ўз­гаришлар шароитида билдирилган та­клифлар минтақа давлатлари олдида турган долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган амалий ва кон­структив ёндашувни акс эттириши билан аҳамиятлидир.

Президент ўз нутқида МДХ формати аҳамият­ли ва ҳаётий тузилма эканини, у барча ишти­рокчи давлатлар учун самарали мулоқот ва ҳам­корлик майдони бўлиб хиз­мат қилиши мумкинлигини таъкидлади. Шу боис, умумий мақсадларга эришиш учун

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

таш­килотнинг салоҳиятини реал им­кониятлар билан уйғунлаштириш, қоғозда қо­либ кетадиган қарорлар ўрнига амалий на­тижа берувчи лойиҳаларга эътибор қаратиш зарурлиги алоҳида урғу­ланди.

Илгари сурилган та­клифлар ичида иқтисодий ҳам­корликни ривож­лантиришга қаратилган ташаббусларга диққат қарат­сак. Жумладан, барча транспорт турлари билан интеграция­лашган ахборот-логистика мар­казларини яратиш, давлат-хусусий шерик­ликни кучай­тириш бўйича МДХ кон­ференцияси­ни Ўзбекистонда ўт­казиш та­клифлари жуда дол­зарбдир. Бу на­фақат юк та­шиш са­марадорлигини ошириш, балки минтақавий савдо ай­лан­масини кў­пай­тириш, янги транзит йўналишларини очиш, экспорт салоҳия­тини ривож­лан­тиришга хиз­мат қи­лади.

Шу билан бирга, иқтисодий зоналар фао­ли­я­тини кўл­лаб-қув­ват­лаш, уларни ривож­лан­тиришга доир “йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш, МДХ венчур платформасини яратиш ор­қали стартап­лар ва ин­но­вацион ғояларни мо­лия­лаштириш тизимини йўлга қўйиш ҳо­зи­р­ги ра­қобат муҳи­ти­да жуда муҳим. Бу ташаббуслар ин­но­вацион иқтисодиёт сари қадам таш­лаш, ил­мий из­ла­нишлар ва те­х­но­ло­гияларнинг амалиёт­та жорий этилишига кенг йўл очади.

Тошкент шаҳрида “ИННОПРОМ”

кўр­газмаси дои­расида МДХ ин­но­вацион саноат форумини ўт­казиш та­кли­фи эса қўшма ишлаб чиқариш лойиҳаларини му­ҳо­кама қилиш, саноат кооперациясини чуқур­лаштириш, за­мо­навий те­х­но­ло­гиялар ал­ма­шинувини йўлга қўйиш учун муҳим платформа бўлиб хиз­мат қи­лади. Бу­нинг на­ти­жа­си­да, аъзо дав­лат­лар ўртасида саноат маҳсу­лот­лари ишлаб чиқаришда ўзаро боғ­лиқ­лик кучаяди, маҳаллийлаштириш даражаси ошади, экспортга йўнал­тирилган янги қўшма кор­хоналар та­ш­кил этилади.

Шунингдек, рақамлаштириш ва сунъий интеллект соҳаларида кўп томонлама ҳаракатлар ре­жа­сини ишлаб чиқиш, бу йўналишларда таж­риба ва те­х­но­ло­гиялар ал­ма­шиш ҳам кун тарти­бидаги дол­зарб масалалардан бири­дир. Рақамли транс­фор­мация на­фақат иқтисодиёт, балки таълим, соғ­лиқ­ни сақлаш, давлат бош­қаруви каби муҳим соҳаларда са­ма­радор­лик­ни оширишда ҳал қи­лувчи аҳамият касб этади. МДХ дав­лат­ларининг бу борадаги ҳам­кор­ли­ги ин­но­вацион муҳитни шакл­лан­тиришга, рақамли тенг­ликка эришишга хиз­мат қи­лади.

Дипломларни ўзаро тан олиш бўйича янги дав­лат­лараро келишув тайёрлаш та­кли­фи, Хива шаҳрида МДХ Ёшлар форумини ўт­казиш, Ёшлар ин­но­вация ла­бо­ра­то­рия­сини та­ш­кил этиш каби ғоялар ёшлар ўртасида ўзаро ан­глашув, ин­но­вацион ёндашув ва ин­тел­лектуал салоҳиятни ошириш учун мустаҳкам за­мин я­ра­тади. Бу

каби ташаббуслар ма­да­ния­т­лараро мулоқотни кен­гай­тириш, ўзаро ишонч ва дўст­лик­ни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнайди.

МДХ мамла­ка­т­лари та­ш­ки сиёсат идоралари ва мах­сус хиз­мат­лари ўртасида ҳам­кор­лик­ни кучай­тириш, ахборот ал­ма­шинувини тизим­лаштириш бўйича та­клифлар тер­ро­ризм, эк­стремизм ва транс­миллий таҳ­дид­ларга қар­ши бир­га­лик­да кура­ши­шни мустаҳкамлашга қаратилган.

Шунингдек, Афғонистондаги ва­зият­ни барқарорлаштиришда МДХ дав­лат­ларининг ин­фратузилма лойиҳаларида бир­га­лик­да ишти­рок этиши, бу мамла­кат­да тинч­лик­ни таъминлаш ва уни мин­та­қа­вий иқтисодий жараён­ларга жалб этишда катта аҳамиятга эга бўлади.

Бу та­клифлар МДХ дои­расидаги ҳам­кор­лик­ни сифат жиҳатидан янги бос­қичга олиб чиқиш, та­ш­килот­ни ҳаётий ва рақобат­бар­дош тузил­ма­га ай­лан­тириш, аъзо дав­лат­лар ман­фа­ати йўлида иш­лай­диган са­ма­ра­ли ме­ха­низм­ларни шакл­лан­тиришга хиз­мат қи­лади.

Ушбу ёндашув на­фақат та­ш­килот кела­жа­ги, балки Евро­о­сиё мин­та­қа­сидаги тинч­лик, барқарор­лик ва тараққиёт­ни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шерали МАМАДЕЦОЕВ, халқ депутатлари Сирдарё вилоят Кенгаши депутати.

ТАШРИФДАН СЎНГ...

Шу йил 16 сентябрь кuni давлат раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифи чоғида Норин туманидаги “Шўрариқ” маҳалласидаги оғир шароит кескин танқид қилиниб, ечими ўлароқ муҳим вазифалар белгиланган эди.

Мана, орадан роса бир ой ўтди. Хўш, айни пайтда ушбу маҳаллада аҳвол қандай? Қўйида шу ҳақида сўз юритамиз.

Қадимда кўз илғамас бепоён саҳродаги сўнгсиз суқунат ва бу суқунат оқибатида пайдо бўлган мудроқликни саҳродан ўтган карвон кўнғироқлари бузиб, чўлга ҳаётбахш уйғоқлик бахш этган. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифи шу карвон кўнғироқларига ўхшайди, назаримизда. Зеро, ислохотлар жараёнида рўй бераётган бироз хотиржамлик, бепарволик, ўзибўларчилик кайфиятлари барҳам топиб, одамлар руҳиятида ишчанлик кайфияти уйғонмоқда.

— Исм ҳам ҳусн, деганларидек, “Шўрариқ” деб аталган маҳалламиз эндиликда “Янги Наманган” номи билан аталишининг ўзиёқ ҳудудга янги руҳ, янги бунёдкорлик олиб кирди, — дейди мазкур маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Салима Худойбердиева. — Маҳалламизда ҳаёт сифатини, инфратузилмаларни тубдан яхшилаш учун 10 миллиард сўм маблағ ажратилиши бутун норинликларни ниҳоятда мамнун этди.

Аввало, бу ерга Янги Ўзбекистон нафасини олиб кириш юзасидан қилинадиган ишлар лойиҳаси атрофлича муҳокама этилди. Бугун бу ерда амалга оширилаётган ишлардан кўзлар қувнайди, диллар яйрайди.

Дарҳақиқат, ушбу ҳудудда бўлаётган меҳнат шижоати, амалга оширилаётган кенг кўламли ободончилик ишлари ҳар қандай одамни бефарқ қолдирмайди. Вилоят ҳокими раҳбарлигида мутасадди ташкилотларнинг, айниқса, йўл қурилиши ва электр тизимидагиларнинг фаол ҳаракати туфайли қисқа фурсатда маҳалла ҳудудидаги



КўЗ ЎНГИМИЗДАГИ ЯНГИЛАНИШЛАР

24,5 километрли ўнқир-чўнқир йўл кафтдай равонлашди. Ичимлик сувига муҳтож мингдан зиёд хонадоннинг бу муаммоси барҳам топди. Барча мавжуд трансформаторлар қайта таъмирланиб, битта янги трансформатор ўрнатилди, зулмат кўчалар чароғон манзилларга айланди.

Инфратузилма объектлари, маҳалла гузари қурилиши кечи билан Наврўз умумхалқ байрамигача ниҳоясига етказилади. Энг муҳими, маҳалланинг 1253 хонадо­нидаги муаммолар ўрганиб чиқилиб, уларга ечим топиш устида ҳам иш олиб борилмоқда. 118 нафар ишсиз, ҳатто миграцияда юрган 157 нафар мигрант­ни ишли қилиш учун алоҳида саноат маркази қуриш ҳам кўзда тутилаётгани ижтимоий жиҳатдан ниҳоятда аҳамият­ли ва қувонарлидир.

Тарихдан маълумки, Катта Фарғона канали халқ ҳашари йўли билан атиги 45 кунда қуриб битказилган. Айнан Янги Ўзбекистон даврида

бунёд этилаётган Янги Ўзбекистон боғи, вилоятларда шу боғ андозаси асосида қури­лаётган ҳашаматли сай­р­гоҳ­лар, осмонўпар бинолар, инфратузилма иншоотлари ана шу ҳаракатларнинг янги даврдаги ҳайратомуз давоми экани рост. Бу ижобий ўзгаришлар кенг халқ оммасини бефарқ қолдирмаётгани, янги давр одамлари қалбини бу бунёдкорликларнинг томошабини эмас, балки ишти­рок­чи­сига айланиш



туйғуси яхши маънода безовта қи­лаётгани шубҳасиз.

Шу маънода, Янги Ўзбекистонимизнинг тараққиёт стратегиясидаги муҳим йўналишлардан бири “Маърифатли дунё” ғоясини ҳаётга кенг татбиқ қилишда адабиёт ва маънавият фидойилари ҳам астойдил тарғибот ишларини олиб боришаётгани ва кенг қамровли тушунтириш ишларини йўлга қўяётганини алоҳида таъкидламоқчи эдик.



Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат мар­кази вилоят бўлимлари томонидан та­ш­кил этилаётган адабий-бадий ва маънавий-маърифий тадбирларнинг аксарияти собиқ “Шўрариқ”, ҳозирда эса “Янги Наманган” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига кўчирилгани ижодкорлар ва маънавият тарғиботчилари бугунги куннинг дол­зарб масалалари билан ҳамоҳанг яшаётганига жонли мисолдир.

Яқинда мазкур маҳалла фуқаролар йиғинида ана шундай тадбир уюштирилди. Бу маънавий-маърифий тадбирда ҳозир бўлганлар мамлакатимиз ҳаётига оид жаҳоншумул янгиликлар, БМТнинг 80 йиллик юбилей анжумани, шунингдек, жойларда борилаётган янги ислохотлар юзасидан атроф­лича маълумотга эга бўлдилар.

Мазкур ҳудуддаги 16-умумтаълим мактабида ўтказилган ижодий учрашув, маҳаллий ижодкор Хурсанали Сиддиқов қаламига мансуб “Сарафроз” китобининг тақдими, МФИдаги маҳалла ва мактаб жамоаларига ҳадя қилинган катта миқдордаги китоблар ҳам маҳалла аҳлини мамнун этди.

Бу каби ибратомуз ишлар умумий аҳволи но­чор ва ривожланишдан ортда қолиб келган маҳаллага чин маънода янги ҳаёт олиб кириш йўлида мутасаддилар томонидан қилинаётган саъй-ҳаракатларнинг денгиздан бир томчисидир. Кўз ўнгимиздаги янги­ланишлар янада бар­давом, халқчил ҳамда са­ма­ра­ли бўлишига ишончимиз комил.

Зиёвиддин МАНСУР, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгаши депутати.

ЎзХДП: МУНОЗАРА КЛУБИ



УЙ-ЖОЙ ВА МУЛК ҲУҚУҚИ: НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАР ҚАЧОН ТЎХТАЙДИ?

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Сир эмас, сўнгги йилларда юртимизда қурилиш ишлари кенг қулоч ёймоқда. Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжи ортиб бораётгани боис, янги турар жойлар, хонадонлар ва бинолар бунёд этиляпти. Бироқ, афсуски, бу жараёнда барча қурилишлар ҳам қонуний йўл билан амалга оширилаётгани йўқ. Бўнинг натижасида юзлаб бинолар ҳуқуқий ҳимоясиз бўлиб, аҳолининг ҳаёти хавф остида қолмоқда.

Ер ҳаммага тегишли ресурс, уни ноқонуний эгаллаш адолатга хиёнат, аслида. Унутмайликки, биз яшаётган маконнинг кадр-қиммати унинг қонунийлиги ва тартиб-интизоми билан ўлчанади. Ҳар бир ноқонуний пойдевор нафақат ҳуқуқий бўшлиқ, балки ижтимоий адолатсизликнинг тимсолидир. У фақат бино эмас, одамлар ўртасидаги ишонч ва масъулиятни ҳам бузади. Бу муаммо нафақат юридик, балки ижтимоий, иқтисодий ва экологик соҳаларга ҳам салбий таъсир ўтказади.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси мунозара клубида “Уй-жой ва мулк ҳуқуқлари: ноқонуний қурилишлар қачон тўхтайдими?” мавзуси партия фаоллари, депутатлар ва мутахассислар иштирокида кенг муҳокама этилди.

РАҚАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Ўзбекистонда ноқонуний қурилишлар муаммоси охириги йилларда долзарб масалага айланди. Масалан, қурилиш ташкилотлари томонидан белгиланган қонун ва қоидаларга риоя этилмаганлиги оқибатида 2024 йил ва 2025 йилнинг ўтган даври давомида ўзбошимчалик билан қурилган уй-жой ёки бошқа қурилмаларни бузишга доир фуқаролик судларида қўрилган 11 мингдан ортиқ ишдан 8,3 мингтаси (75 %) қаноатлантирилиб, ноқонуний қурилмаларни бузиш тўғрисида суд қарорлари чиқарилган.

2023–2024 йилларда кўп квартирали уйлар қурилишида лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқшдан тортиб фойдаланишга топширишгача бўлган жараёнларда 5,5 мингта ҳолатда қонунчилик талаблари бузилган. Жумладан, 102 та кўп квартирали уй қурилишида сифатсиз ва лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган маркадан паст мустаҳкамликдаги бетон материаллари ишлатилган. Бундан ташқари, қурилиши аяқунланмаган ҳамда шаҳарсозлик норма ва қоидаларига зид қурилган 74 та объект Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси томонидан фойдаланишга қабул қилинган. Масалан Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Паркент кўчасидаги 9 қаватли 182-кўп квартирали уй бир қурувчи МЧЖ томонидан ўта сифатсиз қурилган бўлса-да, фойдаланишга қабул қилинган. Оқибатда, хонадон сотиб олган 102 нафар фуқаронинг ҳаёти хавф остида қолиб, уларнинг ҳақли эътироз билан масъул идораларга мурожаат қилишларига сабаб бўлмоқда. Қонунсиз барпо этилган ҳар бир бино жамият учун таҳдид аслида.

САБАБИ НИМАДА?

Хўш, нега ҳар йили юзлаб, минглаб ноқонуний қурилишлар аниқланмоқда? Нега уддабурон айрим тадбиркорлар рухсат олмасдан уй ёки бино қуришга уринмоқда? Бу саволлар кўпчиликни ўйлантиради. Бўнинг сабабларини депутатимиз шундай изоҳлади.

Анвархон ТЕМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

– Ўзбекистон аҳолиси сонининг ўсиши ва урбанизация жараёнлари инфратузилма ҳамда уй-жой фондига кўшимча босим юкламоқда. Бу эса арзон ва сифатли уй-жойларга бўлган талабни оширмоқда.

Сўнгги йилларда қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш бўйича муайян ишлар қилинган бўлса-да, рухсатсиз қурилиш ҳолатлари кўплигича қолмоқда. Масалан, Тошкентда яқинда ҳужжатлари тўлиқ бўлмаган 59 та уй-жой қурилиш тўхтатилиб, электр таъминотидан узиб қўйилди. Сабаби, қурувчилар зарур рухсатномаларсиз ишни бошлаган.

Уй-жойли бўлиш ҳар бир фуқаронинг конституциявий ҳуқуқи. Шу боис бизда фуқароларнинг бу борадаги ҳуқуқини ҳимоя қилишга эътибор ниҳоятда катта. Қонунчилик нуқтаи назаридан бирор иш эътибор марказидан четда эмас. Аммо бизнинг бу борадаги камчилигимиз ўшбу соҳани назорат қилишда, қонунчилик талаблари ижросида деб биламан. Хўш, нимага?

Тартиб ва қоидаларга кўра, ҳар бир қурилиш аввал жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши лозим. Ўша ҳудуд, ўша майдондаги фуқароларнинг жамоатчилик муҳокамасидан ўтгандан кейингина қурилишга рухсат берилиши керак. Аммо кўп ҳолларда жамоатчилик муҳокамаси

бўлмаяпти, одамларнинг хабари йўқ, қурилиш эса амалга ошириляпти. Бинони қуриш бошлангандан кейин фуқаролар хабардор бўляпти. Бу эса Шаҳарсозлик кодексигади кўп моддаларнинг бузилишига олиб келяпти.

Тизимда аввало, очиклик ва шаффофликни таъминлаш керак. Шунда ҳеч ким ноқонуний қурилиш қила олмайди. Масалан, Олмazor туманидаги “Strong Cities” МЧЖ томонидан бошланган қурилиш рухсатномасиз, лойиҳа ҳужжатларисиз ва сейсмик хавфсизлик талабларига жавоб бермасдан амалга оширилган. Оқибатда қурилиш тўхтатилиб, объектни бузишга мажбур бўлди.

Ёки бўлмаса Самарқанддаги ҳолатни олайлик. “Қўзқорин уй” ноқонуний қурилган ва шаҳарсозлик ҳужжатларисиз бошланган. Қурилиш 2012 йилда бошланган, 2022 йилда бузиш тўғрисида қарор чиқарилган, лекин бузиш ишлари 2025 йилгача бошланмаган. Бунда назорат органларининг масъулияти



қаерда? 12 йил ижро органи қаерга қаради унда? Демак, механизм қонунда бузилмапти, балки унинг ижросида бузилляпти.

Битта ноқонуний қурилиш учун тадбиркорнинг ортида ишонч берадиган одам бўлади. Чўнки киши ўзи хоҳлаган жойга бориб, хоҳлаган пайтда қурилиш қилолмайди. Бундай қурилишлар ноқонуний қарор ва ноқонуний ишонч ортидан келиб чиқади. Бўнинг ортида қайсидир мансабдор шахс ёки қайсидир ташкилот борлиги аниқ.

Аммо қурилишдан сўнг, иккинчи ташкилот келиб жарима қиялпти ва бинони бузаяпти. Хўш, бино қад ростлагўнча ижро органларининг наҳотки кўзи тушмаган? Икки қаватли ёки 5 қаватли бино бир қунда қурилмайди-ку. Нега улар айнан қурилиш объекти битаётган пайтда назорат қилишга келади? Демак, бу бўйича ижро механизмини шакллантириш керак ва қатъий назоратга олиш лозим.

Бўнга яна бир сабаб — назорат органларининг масъулияти етарли даражада эмас. Айрим ҳодимларнинг шаҳарсозлик нормаларига жавоб бермайдиган объектларни фойдаланишга қабул қилиш ҳолатлари кузатирилмоқда.

Уй-жой ва мулк ҳуқуқи аслида жуда катта қамровга эга. Ҳар бир қурилиш бу фуқаролар учун янги ҳаёт, янги имконият аслида. Шўни унутмайликки, бу қонун доирасида амалга оширилмаса, жамият учун хавфга айланади.

Носиржон МУЛЛАЖОНОВ,
Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси бўлим бошлиғи:

– Ҳозирги қунда аксарият қурилишларни тадбиркорлар амалга оширмоқда. Тўғри, ўз ишини қонун талаблари асосида бажариб, ишининг сифатини ўйлайдиган ишбилармонларимиз жуда кўп. Аммо улар орасида фақат даромад олишни кўзлайдиганлари ҳам йўқ эмас. Ноқонуний қурилишлар шундан келиб чиқаяпти.

Қурилишга рухсат олиш учун тадбиркор Ягона интерактив давлат хизматлари агентлигига электрон тарзида ариза қолдиради. Ушбу жараён аризага мувофиқ амалга оширилади.

Қонунчиликка кўра, қурилишга рухсат олиш 5 та босқичдан иборат. Биринчи лойиҳалаштириш ҳужжатиға рухсатнома олинади.

Қурилиш рухсатномасининг ўз талаблари бўлади. Бу лойиҳа ишни ишлаб чиқиш, архитектура, режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш, экспертиза хулосасини олиш ҳамда қурилиш-назорат инспекциясидан рўйхатдан ўтиш каби босқичларда амалга оширилади.

Қурилишга рухсатномани олдим дегани бу ўзбошимчалик билан, атрофни ўраб олиб, қурилишни бошлашим мумкин, дегани эмас. Бу нотўғри қараш. Чўнки юқорида айтиб ўтганимдек, 5 та босқичдан ўтгандан кейин лойиҳа ҳужжатларининг ҳаммасини

тасдиқлатиб, келишиб, экспертларнинг ижобий хулосаларини олиб, шундан сўнг ҳудудий инспекциядан ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, кейин қурилишни бошлаш талаб этилади.

Ҳаммаси қонуний тартибда амалга оширилса, ҳозир қурилиш билан шуғулланадиган тадбиркорларимизга ҳеч қандай тўсик йўқ.

Ҳилола ОБИДОВА,
Қурилиш соҳаси бўйича тадбиркор-эксперт, “Бетон саноат” масъулияти чекланган жамияти бош директори ўринбосари:

– Қонуний қурилиш нима ва нега у муҳим? Халқаро тажрибада ноқонуний қурилишларга қарши самарали ёндашувлар шўни кўрсатадики, қонуний қурилишни таъминлаш ҳар доим давлат сиёсати даражасидаги масаладир. Масалан, Сингапурда қурилиш жараёни тўлиқ рақамлаштирилган, ҳар



ваколати доирасидагина чора кўради.

Савол:
Шоҳида ШОВҚИЕВА,
Ёшлар парламенти аъзоси:

– Шартнома шарти бузилса фуқаро кимга мурожаат қилиши керак?

Жавоб:
Элмурод ҲАЙИТМЕТОВ,
Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси бошқармаси бошлиғи:

– Бу масалада истеъмолчилар Рақобат қўмитасига мурожаат қилиши керак. Бундан ташқари, “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 26-моддасида сифат ва хавфсизлик бўйича ваколатли органлар белгиланган. Масалан, қурилиш соҳасида албатта, Қурилиш вазирлигига мурожаат қилиниши керак.

ИШТИРОКЧИЛАР НИМА ДЕЙДИ?

Рашид ҚўЧАРОВ,
Адлия вазирлиги ҳуқуқни қўллашни методик таъминлаш бошқармаси бўлим бошлиғи:

– Очиғини айтиш керак, шартномалар асосан қурувчилар томонидан қурувчилар манфаатини кўзлаб тузилади. Улар бир томонлама, ўзларининг манфаатларини кўзлаб нормалар киритишади. Уларнинг ҳажми 10-15 қоғоз, одамларимиз ҳаттоки, уни ўқиб ҳам кўрмайди. Кўп шартномалар давлат тилида ҳам ёзилмайди, шўнинг учун ҳам кўп ҳолларда ўқилмайди.

Шў боисдан ҳам низолар келиб чиққан пайтларда фуқароларимиз ютқазиб қўймоқда. Бундай пайтда давлат органлари томонидан фуқаролар манфаатини ҳимоя қилишда ҳам қийинчиликлар юзага келмоқда.

Мўнозара майдонида баҳслар қизигандан қизиди. Саволлар жуда кўп. Уларни тўлиқ баён этиш учун эса бир саҳифанинг ўзи камлик қилади. Энг муҳими, партия фаоллари, депутатлар қатъий туриб сайловчилар, електрат манфаатларини ҳимоя қилишди, эътирозларини билдиришди, таклифларини айтишди. Давлат ёки маҳаллий ҳокимиятдан рухсат олинмасдан, қонун-қоидаларга зид равишда қурилган бино ёки иншоотларнинг жамиятга, одамларга салбий таъсири ҳақида таҳлиллар очик-ойдин кўриб чиқилди. Ўрни келганда қаттиқ гаплар ҳам айтилди, танқидий фикрлар ҳам билдирилди.

Муаммолар, таклифлар умумлаштирилиб, партия фракциясига тақдим этилди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

ДЕПУТАТЛИК ГУРУХЛАРИДА

СИРДАРЁДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИНГ ҲОЛАТИ ҚАНДАЙ?



Бандлик – бу фақат иш билан таъминлаш эмас, балки инсоннинг ҳаётга бўлган ишончи, мустақкам ижтимоий ўрни ва эртанги кунга умидидир. Ҳар бир инсон меҳнат қилишга, ўз билим ва қобилиятини намоён қилишга ҳақли. Иш бўлса, даромад бор, даромад бўлса, турмуш фаровон.

Бугунги кунда мамлакатимизда аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида кўплаб дастурлар амалга оширилмоқда. Зеро, фуқароларнинг рўзғори, орзу-мақсадлари рўёби, оиласи фаровонлиги – буларнинг барчаси бандлик билан ҳамбарчас боғлиқ.

Маълумки, Халқ демократик партиясининг асосий ғояларидан бири аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдир. Ишсизлар ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам ҳисобланади. Шунинг учун партия Сайловолди дастурида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, партия фикрича, аҳолини ижтимоий нафақалардан юқорироқ меҳнат ҳақи тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, меҳнатга лаёқатли аҳолининг шахсий ташаббуслари ва уддабуронлигини рағбатлантириш кечиктириб бўлмайдиган муҳим масала. Ёшларнинг касб-хунар танлаши, бепул ва сифатли таълим олиши, ўқув муассасаларини тугатгандан сўнг ишга жойлашиш кафолатини мустақкамлаш долзарб аҳамиятга эга.

Шундан келиб чиқиб, партия томонидан жойларда аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган ишлар самарадорлиги мунтазам

ўрганилиб, натижалари таҳлил этиб борилмоқда.

Жумладан, яқинда Сирдарё вилояти камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси ҳамда туман ва шаҳар бўлимларида таҳлилий ўрганишлар олиб борилди.

БАНДЛИК МУАММОЛАРИ: АСОСИЙ САБАБЛАРГА НАЗАР

Ўрганишлар давомида вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш йўналишида аниқ режа ишлаб чиқилгани ва у 6 та йўналиш бўйича амалга оширилаётгани маълум бўлди. 2025 йилнинг орта қолган 9 ойи давомида вилоятда 98 847 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлаш режа қилинган бўлиб, амалда 109 430 нафар киши ишли бўлган. Бу режа 110 фоизга бажарилганини англатади.

ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ АСОСИЙ ҒОЯЛАРИДАН БИРИ АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШДИР. ИШСИЗЛАР ҲАМ ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМ ҲИСОБЛАНАДИ. ШУНИНГ УЧУН ПАРТИЯ САЙЛОВОЛДИ ДАСТУРИДА БУ МАСАЛАГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАН.

Аммо шунга қарамай, эътибор қаратиш керак бўлган масалалар ҳам бор. Вилоят қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳудудлардан бири бўлса-да, айнан шу соҳада бандлик мавсумий бўлиши аҳоли орасида иш билан боғлиқ муаммоларни юзага келтирмоқда. Жумладан, меҳнат бозоридаги талаб ва таклиф ўртасида номуаносиблик мавжуд. Яъни, вилоятда иш қидираётган фуқароларнинг малакаси иш берувчилар талаб қилаётган касблардан фарқ қилмоқда. Бунда касб-хунар ўқув муассасаларида таълим берилаётган йўналишлар меҳнат бозори эҳтиёжларига тўлиқ мос келмаётгани маълум бўлди. Бундан ташқари, иқтисодий фаоллик паст бўлган ҳудудларда иш ўринлари етишмаслиги, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш имкониятлари тўлиқ ишга солинмаётгани кузатилди.

Шунингдек, аҳоли ўртасида касбий малака ва кўникмаларнинг пастлиги, айниқса, қишлоқ ҳудудларида яшовчи ёшлар ва хотин-қизлар замонавий меҳнат бозори талаб қиладиган касб ва кўникмаларга етарлича эга эмаслиги ҳам ишга жойлашиш имкониятларини чеклаётгани аниқланди.

Мавжуда ҲАСАНОВА, ЎзХДП Марказий Кенгаши бошқарма бошлиғи:

– Сирдарё вилоятида аҳоли бандлигини таъминлаш борасида муайян ютуқларга эришилган. Бу катта натижа. Лекин шу билан бирга ўрганишлар соҳада муаммолар борлигини, уларни бартараф этишда

мутахассислар иштирокида тизимли чора-тадбирлар, манзилли ёндашувларга эҳтиёж сезилаётганини ҳам кўрсатмоқда.

Вилоятда олиб борилган ўрганишлар давомида жойлардаги муаммоларни тўғридан-тўғри одамларнинг ўзидан эшитдик, аҳоли вакиллари билан мулоқот қилдик. Шу асосида аҳоли бандлиги соҳасидаги муаммоларни ҳал этиш учун таклифлар бердик. Масалан, қишлоқ хўжалигида инновацион технологияларни жорий этиш орқали мавсумий иш ўринларини барқарорлаштириш ва янги иш ўринлари яратиш керак, деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, вилоят бўйлаб янги касб-хунар марказларини очиш, мавжудларини замонавийлаштириш ва малакали мутахассисларни жалб этиш ишларини янада кучайтириш лозим.

Ноғиронлиги бўлган шахслар, аёллар, ёшлар ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож кишилар учун қўшимча иш ўринлари ва қўллаб-қувватлаш механизмларини жорий этиш зарур, деб ўйлаймиз. Бундан ташқари, хотин-қизларни уй меҳнати ва кичик бизнесга жалб қилиш бўйича махсус лойиҳаларни яратиш ва кўпайтириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳақиқатан ҳам, ушбу ташаббуслар рўёбга чиқса, вилоят аҳолисининг ҳаёт даражаси ошиши, ишсизлик даражаси пасайиши кузатилади ва иқтисодий фаоллик кучаяди. Ушбу таклифларнинг амалиёти ва натижалари доимий мониторинг қилиниши ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг таъсирчанлигини оширади.

Ўз мухбиримиз

ҲУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Фарғона: ДЕПУТАТЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН ЙЎЛ АСФАЛЬТЛАНДИ

ЎзХДП Қўштепа туман Кенгаши депутати Ш.Шарапов тумандаги қатор маҳаллаларда ўрганишлар олиб борди. Ўрганишлар натижасида аниқланган муаммо ва камчилликларни бартараф этишга ҳам жиддий киришди. Масалан, депутатимиз ташаббуси билан “Шаҳартёпа” маҳалласидаги Сайхун кўчасининг 455 метр қисми асфальтланди.

Яна бир депутатимиз М.Усмонов ташаббуси билан “Лойсон” маҳалласидаги Мулкобод кўчасининг таъмирга муҳтож 450 метр қисми асфальтланди.

Ушбу йўлларнинг таъмирталаблиги ва ҳаракатланиш учун ноқулайлиги нафақат транспортлар, балки, пиёдаларга ҳам муаммо туғдираётган эди. Айниқса, кексалар, ёш болалар ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг эркин ҳаракатланиши мушкул бўлиб қолганди. Бу ўз-ўзидан ҳудуднинг ижтимоий ҳаёти ва иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётганди, албатта.

Аҳоли вакилларининг таъкидлашича, бундай ташаббуслар депутатлар ва сайловчилар ўртасидаги ўзаро ишончни оширишга, ҳамкорликни мустақкамлашга хизмат қилади.



Тошкент вилояти:

“ИЖТИМОИЙ ТАШАББУСЛАР КУНИ” АКЦИЯСИ

Бекобод шаҳрида “Ижтимоий ташаббуслар куни” акцияси ташкил этилди. Халқ демократик партияси ташаббуси билан ўтказилган ушбу акция ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари ҳамда фаол ёшлар учун очик мулоқот ва ғоялар алмашуви майдониға айланди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад ёшларнинг ижтимоий ғояларига ишонч билдириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва амалиётга татбиқ этиш орқали

фаоллигини оширишга қўмаклашишдан иборат.

Акцияда бир қатор ёшларимиз ҳам ўзларининг ижтимоий лойиҳалари билан иштирок этишди. Жумладан, политехникум талабаси Ж.Қодированин “Онлайн дорихоналар” ижтимоий лойиҳаси ҳаммага бирдай манзур бўлди. Мазкур лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш борасида ҳамкорлар ва ҳомийлар топишга келишиб олинди.



Андижон: ДЕПУТАТЛАР ВА ЎҚИТУВЧИЛАР МУЛОҚОТИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимиз Одилжон Иминов ва Анваржон Нурматов Андижон шаҳридаги 13-умумтаълим мактабида бўлиб, байрам тадбирида иштирок этди.

Улар Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси фаолияти, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар тўғрисида маълумот бердилар.

Сўнгра мактаб раҳбарияти ва ўқитувчилар билан суҳбат ташкил этилди. Унда ўқитувчилар ўз фаолиятида учраётган муаммолар ҳақида фикр билдиришди. Масалан, дарсликлар сифати, тест синовлари саволларидаги номуаносибликлар, АКТ тизимидаги муаммолар, ўқув режаларида соатлар тақсимотидаги камчиликлар каби масалалар тилга олинди.

Депутатлар қайд этилган муаммолар ечимига доир ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.



Тошкент шаҳри:

БЕПУЛ ДАСТУРЛАШ КУРСЛАРИ

Ўзбекистон ХДП Тошкент шаҳар кенгаши ташаббуси билан “Имкон” акцияси доирасида ёшлар учун бепул 2 ойлик “Python” дастурлаш курслари ташкил этилди.

Бундан қўлланган асосий мақсад ёшларни рақамли технологиялар соҳасига жалб этиш, уларнинг замонавий касб-хунар ва дастурлаш

кўникмаларини ривожлантириш, шунингдек, меҳнат бозорида рақобатбардош кадрлар сифатида тайёрлашдир.

Курс давомида “Python” дастурлаш тили асослари, алгоритмлар ва маълумотлар тузилмаси, амалий лойиҳалар яратиш ҳамда ИТ йўналишидаги касбий йўналишларни танлаш бўйича билим ва кўникмаларга эга бўлишади.



ҚИШ ЯҚИН...

► (Давоми. Боши ◀

Афсуски, айнан куз-қиш мавсумини беталофат ўтказиш йиллар давомида долзарблигини йўқотгани йўқ. Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг маълум қилишича, сўнгги беш йилда юртимизда ёнғинлар сони аста-секин камайиб борса-да, исгазидан заҳарланиш ва газ-ҳаво аралашмасининг портлаши ҳолатлари жиддий хавф бўлиб қолмоқда. Статистикага кўра, ўтган йили исгазидан заҳарланиш билан боғлиқ 63 та ҳолат қайд этилган. Буларнинг оқибати ўлароқ 116 киши қурбон бўлган. Газ-ҳаво аралашмасининг портлаши бўйича 119 та фавқулодда вазият юз берган.

Ўрганишлар бундай бахтсиз ҳодисалар кўпинча газдан хавфсиз фойдаланиш қоидаларига, шунингдек, табиий ва муқобил ёқилғи турлари ҳамда иситиш печларини қўллашда техник ва ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилмаслик туфайли содир бўлаётганини кўрсатмоқда.

Кичик хато, бир зумлик эътиборсизлик ва ғафлатда қолиш неча-неча инсонларнинг, болаларнинг, бутун бошли оилаларнинг нобуд бўлишига олиб келиши мумкинлиги, сўнгги йилларда ана шундай ачинарли ҳодисалар бот-бот кузатилаётгани оғриқли, албатта.

Иситиш ускуналарининг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини текшириш ва сертификатлашни Саноат хавфсизлиги давлат қўмитаси амалга оширади. Бу турдаги ускуналарни сотиб олишда харидор сотувчидан сифати ва хавфсизлигини тасдиқловчи сертификатни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Иситиш қозони ёки печкаларни алмаштириш, дудбуронларни ўрнатиш ва

тозалаш учун эса газ хўжалиги хизматига мурожаат қилиш керак.

Биздаги маълумотларга кўра, илгари газ хўжалиги хизматлари «Худудгазтаъминот» («райгаз») туман бўлимларига тегишли бўлган. Энди эса бу функциялар хусусий компанияларга ўтказилган. Уларнинг контактларини «райгаз»нинг фавқулодда хизматидан олиш мумкин. Фавқулодда вазиятлар хизмати билан боғланиш учун “райгаз” ёки ФВВнинг 104 қисқа рақамига кўнғироқ қилиш мумкин.

БУ БЎЙИЧА ҲАЛИ КОМПЛЕКС ДАСТУР ЙЎҚ

Куз-қиш мавсумини турли кўнглисизликлардан холи ўтказиш, аҳолининг хотиржам турмушини, хавфсизлигини таъминлаш, газ, иссиқлик ва электр таъминотида одамлар эътирозларига сабаб бўлаётган муаммоларни узил-кесил бартараф этиш давлат сиёсати даражасидаги масала. Ўтган ҳафтада Президент фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда уларни бартараф этиш тизимини такомиллаштиришга оид тақдирот билан танишуви чоғида бу масалага яна бир бор ургу берилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда аҳоли хавфсизлиги азиз неъмат сифатида муҳофаза қилинади. Турли хатарлар пайдо бўлаётган ҳозирги замонда фавқулодда вазиятлар органлари тизимини ҳам такомиллаштириш зарурати туғилмоқда. Бирок, соҳада 30 дан ортиқ қонун ҳужжатлари

АФСУСКИ, АЙНАН КУЗ-ҚИШ МАВСУМИНИ БЕТАЛОФАТ ЎТКАЗИШ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ДОЛЗАРБЛИГИНИ ЙЎҚОТГАНИ ЙЎҚ. ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ МАЪЛУМ ҚИЛИШИЧА, СЎНГГИ БЕШ ЙИЛДА ЮРТИМИЗДА ЁНҒИНЛАР СОНИ АСТА-СЕКИН КАМАЙИБ БОРСА-ДА, ИС ГАЗИДАН ЗАҲАРЛАНИШ ВА ГАЗ-ҲАВО АРАЛАШМАСИНИНГ ПОРТЛАШИ ҲОЛАТЛАРИ ЖИДДИЙ ХАВФ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.

қабул қилингани билан ҳалигача фавқулодда вазиятлар муҳофазаси бўйича комплекс дастур йўқлиги, бундан 16 йил олдин қабул қилинган “Ёнғин хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун ҳам эскиргани қайд этилди.

Ҳозир фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш бўйича профилактика ишлари асосан давлат идораларида амалга оширилаётгани, лекин бундай ҳолатларнинг 70 фоиздан ортиги аҳоли хонадонларида носоз, муддати ўтган газ ва электр жиҳозларидан фойдаланиш, хавфсизлик маданиятига риоя қилмаслик оқибатида юзага келаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Шулардан келиб чиқиб, хавфсизлик маданиятини ошириш бўйича чора-тадбирлар билан ҳар бир маҳалла, ҳар бир кўча ва хонадонни қамраб олиш, соҳада рақамли инфратузилмани яратиш, фавқулодда вазият ҳақида хабар беришдан тортиб, уни тўлиқ бартараф этишгача бўлган ҳамма жараёни рақамлаштириш кун

тартибдаги асосий вазифа қилиб белгиланди.

Янги турдаги техноген хавфларни баҳолаб, олдини олиш учун замонавий кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг узлуксиз тизимини йўлга қўйиш, профессионал қутқарувчилар сафини ҳамда илмий-тадқиқотлар кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари ҳам эътибор марказида бўлди.

ФВВ ЯНА БИР БОР ЭСЛАТАДИ

Ўзини асрагани Яратган ҳам асрайди, дейди халқимиз. Иситиш мавсумида айнан аҳоли томонидан хавфсизлик маданиятига қатъий амал қилиниши ноҳуш ҳодисаларнинг олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу нуқтаи назардан Фавқулодда вазиятлар вазирлиги аҳолига қуйидаги хавфсизлик шартларини яна бир бор эслатади:

– ташқи изоляцияси

шикастланган электр симлари ва кабеллардан фойдаланманг;

– иситиш мавсуми

бошланишидан олдин иситиш печларининг дудбуронларини тозалаш ва сошлаш, шунингдек, уларнинг меъёрларга мувофиқ тўғри ўрнатилганини текшириш учун ихтисослаштирилган ташкилотларга мурожаат қилинг ва хизматлар сифатли кўрсатилишига эришинг;

– носоз ва қўлбола иситиш

мосламаларидан фойдаланманг; – стандарт қурилмалардан фойдаланишда ишлаб чиқарувчиларнинг кўрсатмаларига амал қилинг;

– иситиш печларининг қизиб кетишига йўл қўйманг;

– газ ва электр жиҳозларини назорат қилишни болаларга топширманг;

– газ ускуналарини улаш қоидаларига қатъий риоя қилинг;

– ёнғинчи материалларни газ плиталари устида қуритманг;

– газ иситиш асбобларидан фақат автоматик хавфсизлик тизимлари (газни ўчириш ва етказиб беришни назорат қилувчи қурилмалар) мавжуд бўлганда фойдаланинг, уларнинг созлигини кузатиб бординг.

Агар хонада газ ҳидини сезсангиз, чироқни ёқманг ва учкун чиқарадиган асбоблардан фойдаланманг. Зудлик билан хонани шамоллатинг. Газ сизиб чиқиши ҳақида 104 телефон рақамига, ёнғин содир бўлганда эса 112 ёнғин-қутқарув хизматига хабар беринг.

Ф.ИБРОҲИМОВА
тайёрлади.

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

ИЖТИМОЙ МАСЪУЛИЯТЛИ БИЗНЕС – ЯНГИ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ФАОЛ ИШТИРОКЧИСИ



Ўктам САИДМУРОДОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган тадбиркор,
халқ депутатлари Самарқанд
вилоят Кенгаши депутати.
“Стеклопластик” МЧЖ раҳбари.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мақоми Конституция даражасида мустаҳкамланиши барча соҳада ижтимоий мезонлар устуворлигини таъминлаш жараёнини жадаллаштирди. Бунда фақат кўмакка муҳтож қатлам вакилларига меҳр ва ғамхўрлик кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш эмас, балки жойларда ижтимоий инфратузилмаларни яхшилаш, таълим, тиббиёт, уй-жой, коммунал хизматлари, йўлсозлик каби долзарб масалаларда ечимини қутаётган муаммоларни бартараф этиш, аҳолининг бандлик кўрсаткичларини ошириш, ишсиз фуқароларни кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликка жалб қилиш чора-

тадбирларида ҳам суръат ва қамров янги босқичга чиқди.

Шахсан мени қувонтирадиган жиҳат шуки, ижтимоий ислохотларда тадбиркорларимиз иштироки ва улуши сезиларли ўсиб бормоқда. Ижтимоий масъулиятли бизнес шаклланимоқда. Бу эса ижтимоий давлатга хос бўлган муҳим белгилардан биридир.

Тадбиркорларимиз эҳтиёжманд ҳамюртларимизга хайр-у саховат кўрсатиш ишларида бош бўлиш баробарида ана шундай фуқаролар учун иш ўринлари яратиш, шу орқали уларни камбағалликдан олиб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий мажбуриятларни бажаришда давлатнинг потенциал шеригига айланмоқда. Таълим, тиббиёт, атроф-муҳитни асраш сингари йўналишларда салмоқли ижтимоий лойиҳаларнинг ташаббускорлари бўлмоқда.

Мисол учун, давлат раҳбарининг 8 майдаги “Ноғиронлиги бўлган шахсларнинг бандлигини таъминлаш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони ижроси доирасида ҳудудларимизда қатор ишлар олиб борилмоқда. Жорий йил якунига қадар 80 минг нафар ноғиронлиги бўлган шахсларнинг барқарор бандлиги ва муносиб даромад топишини таъминлаш кўзда тутилганининг ўзи инсонларвар ижтимоий сиёсатнинг ёрқин тасдиғи. Аҳамиятлиси, ишлаш ва жамиятда ўз ўрнини топиш истагидаги ноғиронлиги бўлган шахслар бандлигини таъминлаган тадбиркорлар учун имтиёзлар берилди. Яъни, I ва II гуруҳ ноғиронлиги бўлган шахсларни ишга қабул қилган тадбиркорлик субъектларига 50 миллион сўмгача субсидия ажратилиши белгиланди. Биргина ноғиронлиги бўлган шахслар эмас, умуман, ёшлар,

хотин-қизлар, Камбағал оилалар реестрига киритилган аҳоли вакиллари бандлигини таъминлашда фаоллик кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари учун молиявий рағбатлантириш тизимининг яратилиши мулкдорлар синфида ижтимоий масъулиятнинг ортишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Корхонамиз ишчиларининг асосий қисми ушбу ўқув масканини битирган ёшлардан иборат эканини айтишим керак. Бу ёшлар ўз меҳнати ва тажрибаси билан даромад топмоқда, рўзгорини обод қилмоқда, корхонамиз ривожига ҳисса қўшмоқда. Ёшлар учун, айниқса, уюшмаган, ишсиз йигит-қизлар учун яна янги иш жойларини очиш бизнинг диққат-марказимиздаги масала.

Табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб, дейдилар. Шу маънода, фикрим

исботини узокдан эмас, ўз корхонам фаолияти мисолида келтирсам.

Мактаб ва боғчалар, спорт мактаблари, турли жамоалар, хаваскор ва профессионал спортчилар учун энг сифатли инвентарларни, давлат ва жамоат ташкилотлари учун мебель маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонамизда 200 нафардан ортиқ киши иш билан банд. Самарқанд туманидаги Қурилиш ва ҳунармандчилик техникуми билан битирувчилар бандлигини таъминлаш бўйича ҳамкорлик қилиб келамиз. Корхонамиз ишчиларининг асосий қисми ушбу ўқув масканини битирган ёшлардан иборат эканини айтишим керак. Бу ёшлар ўз меҳнати ва тажрибаси билан даромад топмоқда, рўзгорини обод қилмоқда, корхонамиз ривожига ҳисса қўшмоқда. Ёшлар учун, айниқса, уюшмаган, ишсиз йигит-қизлар учун яна янги иш жойларини очиш бизнинг диққат-марказимиздаги масала.

Ишончим комил, аҳолининг асосий қатлами бўлган ёшларнинг, ижтимоий кўмакка муҳтож юзлаб опа-сингилларимизнинг, камбағалликдан чиқиш умидидаги оилалар аъзоларининг бандлигини оширишга интилаётган тадбиркорлик субъектлари юртимизда, хусусан, Самарқанд вилоятининг ўзида мингларча рақамни ташкил қилади. Депутат сифатида жойларда бўлганимда, аҳоли билан мулоқот ва ўрганиш ишларини олиб бордингизда бунинг айна ҳақиқат эканига жуда кўп бора иқдор бўлам.


Юртимизда олиб борилаётган ижтимоий ислохотларнинг натижадорлиги тадбиркорларимизда дахлдорлик, фидойилик, инсонийлик негизига асосланган ижтимоий масъулиятнинг ортишига чамбарчас боғлиқдир.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Тошкентнинг Сергели туманида яшовчи 15 ёшли Азизбекни қўшнилар “телефондан бош кўтармайдиган йигит” деб атарди. Дарҳақиқат, у ҳар куни соатлаб телефонда вақт ўтказар, ижтимоий тармоқларсиз ҳаётини тасаввур ҳам қилмасди. Бир куни онаси унга китоб совға қилди — Саид Аҳмаднинг “Уфқ” романи.

Азизбек аввал қизиқмади. Китобни икки ҳафта жавонда сақлади. Аммо бир кеча телефоннинг қуввати тугаб, зерикканидан китобни очди. Илк саҳифалардаёқ унинг қизиқиши ортди. У ҳар кеча икки-уч саҳифадан ўқий бошлади.

ЁШЛАР КИТОБНИ ТАНЛАСА, ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТНИ ТАНЛАЙДИ



кўпинча енгил ва қизиқарли йўлни танлайди — экранни.

Бу ерда вақт тақсимо­ти муаммоси ҳам бор. Кўп ёшлар “вақтим йўқ” дейишади. Аслида эса вақт бор — фақат унинг катта қисми ижтимоий тармоқлар, ўйинлар ёки видео­ларга сарфланади. Китоб учун эса “вақт” қолмайди.

Ушбу жараёнда катталарнинг хатоси ҳам бор, албатта. Яъни, китобга муҳаббатни бола­ликдан сингдирмаслик. Агар бола кичиклигидан китоб билан яшамаса, катта бўлиб унга қизиқиши қийин бўлади. Кўп оилаларда болага телефон олиш осон, аммо китоб олиш “қийин” бўлиб қолган.

Тўғри, ёшлар китобдан бутунлай узоқлашган деб бўлмайди. Улар фақат бошқача ўқишни афзал кўришмоқда — электрон китоблар, аудио­китоблар, видео­маълумотлар орқали. Демак, китобхонлик йўқолмаган, балки ўз қиёфасини ўзгартирган. У қайсидир маънода ўзгариш босқичида. Ёшлардан фақат қизиқиш учун сабаб сўраш керак. Китобга йўл топган ёш эса — келажакка йўл топган ёш демакдир.

Масалага таҳлили й нуктаи назаридан ёндашсак, манзара унчалик ҳам бирёқлама эмаслигини кўра­миз. Аввало, айтайлик бугунги авлод олдида ахборот оқими жуда кучли. Жаҳондаги ҳар қандай маълумотни бир неча сонияда олиш мумкин. Лекин бу

ҳам бекиёс завқ манбаидир. Китобхонлик маданиятини сақлаб қолиш учун ота-оналар, мактаб ва жамоат ташкилотлари биргаликда ҳаракат қилиши лозим. Китоб байрамлари, “бир ой – бир китоб” ташаббуслари, ёшлар учун қизиқарли танловлар ташкил этилса, китобга муҳаббат табиий равишда қайта уйғонади.

Китобхонлик — бу шунчаки одат эмас, балки тафаккур маданиятидир. Ёшлар китоб ўқишни тўхтатмаган, улар фақат дунё билан бирга ўзгариш йўлига кирган, холос. Шунинг учун “пасайишми ёки ўзгаришми?” деган саволга жавоб битта: ўзгариш ва уни тўғри йўналтириш — бизнинг бурчимиз.

ОИЛАВИЙ КИТОБХОНЛИК АНЪАНАСИ ҚАЕРГА ЙЎҚОЛДИ?

Ҳамма ишдан, ўқишдан келган, кечки овқатдан сўнг ота телефонни қўлига олди, она сериал кўрапти, бола эса планшетда ўйин ўйнапти. Ҳар бири ўз оламида. Хона тиник, аммо сукут оғир.

Бир вақтлар китоблар хонадонларнинг бир бурчагида эмас, оила ҳаётининг марказида турарди. Ҳар бир хонадонда китоб хиди уфуриб, ўйимизнинг юрагида китоб жавонлари турарди.

Уша пайтларда болалар онасининг овози орқали китоб дунёсига кириб борган, ҳар бир ота эса фарзандига китоб совға қилишни шараф деб билган. Китоб орқали бола ота-онасининг овозини, ҳиссиётини тинглар, билим билан бирга меҳр ҳам оларди.

КИТОБГА ДЎСТ ХОНАДОНЛАР НЕГА КАМАЙДИ?

Гулбаҳор ТЎЙЧИЕВА,
ўқитувчи:

- Оилавий китобхонлик — бу фақат ўқиш эмас, балки бирга ҳис қилиш, ўйлаш ва фикр алмашшидир. Бу оилавий муҳитдаги бирдамлик ва ва аҳилликни мустаҳкамлайди. Китобхонлик — бу фақат ўқиш эмас, бу мулоқот. Китоб ҳақида гаплашган оилада сукут эмас, сўз, ҳис ва фикр бор. Бола китоб орқали нафақат билим, балки меҳр, эҳтиром ва ҳаёт тажрибасини ҳам ўрганади.

Боланинг китобга бўлган муҳаббати ота-онадан бошланади. Агар она китоб ўқиса, бола ҳам ўқийди. Агар ота китоб ҳақида гапирса, бола ҳам қизиқади. Китобхон ота-она — маънавият­ли авлоднинг ассидир.

Китоб ўқувчи оилада мулоқот бор, фикр бор, эҳтиром бор. Шундай хонадонда ўсган бола бошқаларни тинглай олади, фикрлайди ва эзгуликни қадрлайди. Телефон, телевизор, интернет — тез ўтувчи завқ беради, аммо фикр бермайди. Китоб эса инсонни тўхтаб ўйлашга, ҳис қилишга, англашга ўргатади.

Китобни севган ота-она фарзандига ҳам китобни севдира олади.

Оилавий китобхонликни тиклаш учун ҳар куни камида 15 дақиқа биргаликда китоб ўқиш, болага китоб совға қилиш, китоб ҳақида суҳбат қуришнинг ўзи етарли. Китобни болага мажбурий эмас, меҳр билан етказиш керак.

Китобни бирга ўқиш — фақат маънавият эмас, бу муҳаббат ва мулоқот рамзи ҳам.

РАҚАМЛИ ДУНЁ ЯНГИ ИМКОНияТ АСЛИДА..

Шавкат РАХИМОВ,
дастурчи:

- Бугун интернет орқали минглаб китобларни бир сонияда топиш мумкин. Электрон кутубхоналар, аудио­китоблар, китобхонлик иловалари – булар замонавий инсоннинг ёрдамчиси.

Масалан, “Google Books”, “Kutubxonachi.uz” каби платформалар орқали ёшлар ҳар қандай китобни телефонда ўқиши мумкин.

Шундай экан, технология китобни йўқ қилмади — уни янада яқинлаштирди. Фақат бу имкониятдан тўғри фойдаланишни ўргатиш керак.

Ёшлар анъанавий қоғоз китоб ўқимаса-да, улар билим олишининг янги усулларини кидирмоқда. Масалан, тарих, фалсафа ёки психология ҳақидаги видео­ларни кўриб, фикр юритишни ўрганаётган ёшлар ҳам кўп. Ёки айтайлик интернет орқали тил ўрганаётган йигит-қизлар бор.

Чунки рақамли дунё китобни ўрнидан сиқиб чиқармади — у китобга янги жон, янги шакл берди.

Муқаддас ЎРОЗАЛИЕВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатасидаги ЎзХДП фракцияси
аъзоси:

- Замон шиддат билан ўзгармоқда. Илгари китоб варақлаб топилган билимлар энди бир неча сонияда интернет орқали қўл остига келади. Рақамли дунё — бу янги имкониятлар майдони. Аммо савол туғилади: бу имконият бизга билим беряптими ёки диққатимизни бўлаяптими?

Аслида, телефон китобнинг рақиби эмас. Масала — фойдаланиш маданиятида. Электрон китоблар, онлайн кутубхоналар, аудио­китоблар — булар ҳам маърифат воситасидир. Лекин афсуски, кўп ҳолларда гаджет билим эмас, вақт йўқотиш воситасига айланди. Агар экран орқали фақат кўнғилочар контент қабул қилинса, инсон маълумот тўплайди, лекин фикр тўплай олмайди.

Бугунги ёшлар “рақамли авлод” сифатида дунёга бошқача нигоҳ билан қараяпти. Улар тез ўйлайди, анг­ли­ликка очик, ахборотни тез ўзлаштиради. Бу — катта имконият. Аммо уни бошқариш, саралаш маданияти бўлмаса, инсон ахборот қурбонига айланди.

Масалан, Тикток, Инстаграм ёки YouTubeда бир кунда минглаб контентни кўра­миз, аммо бунинг нечтаси қалбга, фикрга, руҳга озуқа бўлади?

Технология ривожланса ҳам, китоб хануз маънавият тимсоли бўлиб қолмоқда. Китоб — инсон билан юзма-юз мулоқот. У фикрни су­ст эмас, чуқур ўйлашга чорлайди. Электрон воситалар орқали ҳам китоб ўқиш мумкин — аммо муҳими, ўқишга эҳтиёж, фикрга эҳтиром сақланиши.

Рақамли дунёда китобхонликнинг янги кўриниши — электрон китоб, аудио­китоб, онлайн суҳбатлар ва виртуал кутубхоналар орқали ривожланиши мумкин.

ҲАЁТИЙ ҲОЛАТЛАР

Тошкентдаги хусусий мактабда Нурбек 9-синфда таҳсил олади. Унинг қўлида ҳар доим телефон. Савол берсангиз, “Ҳа, мен кўп ўқийман, Википедиядан” дейди. Лекин сўнг­ра сўзлашганда, у китобдаги фикр билан интернетдаги гапни фарқлай олмайди. Бу ҳолат фақат Нурбекка хос эмас — кўп ёшлар ахборот кўплигига чулғаниб, уни саралаш қобилиятини йўқотмоқда. Ахборот бор, лекин тафаккур етишмайди.

Самарқанддаги 17 ёшли Шаҳноза ҳар куни йўлда кетаётганда аудио­китоб тинглайди. У шундай дейди:

“Илгари китоб ўқишга вақт тополмасдим, ҳозир эса телефон орқали эштаман. Ҳар ҳафта битта китоб тугаллайман.”

Бугун Ўзбекистонда электрон кутубхоналар сони кўпаймоқда. “ZiyoNet”, “Kitob.uz”, “Asaxiy Books” каби платформалар ёшлар учун электрон китобларни текин ёки арзон нархда тақдим этмоқда. Бу — рақамли китобхонликнинг ижобий намунаси, албатта. Бир талаба қиз эса “Қўлимда телефон бор экан, китоб ҳам бор. Ҳозир мен учун экран — китобнинг янги саҳифаси.” дея эътироф этади.

Мақоламиз қаҳрамони Азизбекнинг хикояси минглаб ёшларга ўр­нак бўлиши мумкин. У телефонни ташлаб китобга мурожаат қилганидан кейин ҳаёти мазмун топти. Бу кичик воқеа — катта ҳақиқатнинг намунаси.

Агар ҳар бир хонадонда китоб ҳақида гап бўлса, ҳар бир мактабда китоб муҳокамаси ўтказилса, шундай Азизбеклар яна кўпайишига шубҳа йўқ, албатта.

Демак, ёшлар китоб ўқимай қўйгани йўқ — уларга фақат унга олиб борадиган йўлни топиб бериш лозим. Китобхонлик маданияти пасаймаяпти — у ўзгарапти. Ёшлар китобни танласа, жамият тараққиётни танлайди.

Лазиза ШЕРОВА,
“Ўзбекистон овози” муҳбири.



МОЗИЙГА НИГОХ

МАЛИКАНИНГ ЖАСОРАТИ

ёхуд Жалолиддин Мангубердининг онаси ҳақида биласизми?

СУЛТОН ЖАЛОЛИДДИН ЎША ДАВРДА МЎҒУЛЛАРГА ҚАРШИ КУРАШ ОЛИБ БОРГАНЛАР ОРАСИДА МАРДЛИК, ЖАСУРЛИК, ҚАҲРАМОНЛИК БОБИДА ТЕНГСИЗ БЎЛГАН. АЙНИ ПАЙТДА У АДОЛАТПАРВАР, ҲАҚИҚАТҒЎЙ, ИНСОНИЙЛИКНИ УЛУҒЛАЙДИГАН, БУ БОРАДА ЕТУКЛИК ДАРАЖАСИГА ЭРИШГАН ШАХС ЭДИ. ШУНИНГ УЧУН ШИҲОБИДДИН МУҲАММАД НАСАВИЙ УНИНГ ФЕЪЛ-АТВОРИ, ШАХСИ ҲАҚИДА ТЎХТАЛАР ЭКАН ШУНДАЙ ТАЪРИФ БЕРАДИ: «У БУҒДОЙМАҒИЗРАНГЛИК, ЎРТА БЎЙЛИК, ТУРКИЙ ҚИЁФАЛИК ВА ТУРКИЙДА ГАПИРАДИГАН ОДАМ ЭДИ, ШУ БИЛАН БИРГА ФОРСИЙДА ҲАМ СЎЗЛАША ОЛАРДИ. УНИНГ МАРДЛИГИ, ЖАСУРЛИГИГА КЕЛСАК, ЖАНГЛАРДАГИ ФАОЛИЯТИНИ ЭСЛАБ ЎТИШНИНГ ЎЗИ КИФОЯ ҚИЛАДИ. У ШЕРЛАР ОРАСИДА ЭНГ ЗЎР ШЕР ЭДИ, ҚЎРҚМАС ЧАВАНДОЗ, ЛАШКАРЛАР ОРАСИДА ЭНГ БОТИР ЭДИ. У КЎНГЛИ ОЧИҚ, МУЛОЙИМ ОДАМ ЭДИ, ЖАҲЛДОР ЭМАСДИ, ҲАҚОРАТОМУЗ СЎЗЛАРНИ АЙТМАСДИ. У НИҲОЯТДА ЖИДДИЙ ЭДИ, КУЛМАСДИ, ФАҚАТ ЖИЛМАЙИБ ҚЎЯРДИ, КАМ ГАПИРАРДИ. У ҲАҚҒЎЙЛИКНИ, АДОЛАТНИ УЛУҒЛАРДИ.

Халқимизда «Номус топталган жойда мард туғилар, ботир пайдо бўлар», деган нақл бор. Юртимиз мўғул босқинидан кейин ниҳоятда оғир азобларни, даҳшатларни бошидан кечирди. Миллионлаб одамлар уруш тўфайли ҳалок бўлди, юртидан, элидан ажралди. Юзлаб шахарлар, қалъалар, қишлоқлар йўқ қилинди. Бундай пайтда халқ орасидан мўғуллар кўрсатаётган жабр-зулмга қарши, юрт озодлиги йўлида курашда битта-иккита эмас, ўнлаб, юзлаб ватанпарварлар, мардлар, қаҳрамонлар етишиб чиқиши табиий эди. Шундай ҳам бўлди. Ўша пайтда Султон Жалолиддин ёнида Темур Малик, Қулбарс Баҳодир, Санжоқхон, Элчи Паҳлавон, Урхон, Жаҳон Паҳлавон Ўзбек Тойи, Тожидин

Қилич, Куч Тегин Паҳлавон, Йилон Бугу, Баракатхон, Ахош Малик, Куч Бугахон, Алпхон, Утурхон каби амирлар, маликлар, саркардалар мўғулларга қарши курашда мардлик, қаҳрамонлик намуналарини кўрсатганлар. Албатта, мардлик, қаҳрамонлик инсонда бирдан пайдо бўладиган, душманга қарши кураш жараёнида ўз-ўзидан юзага чиқаверадиган туйғу, хислат эмас. Бунинг учун ғурури топталди. Бундай пайтда халқ орасидан мўғуллар кўрсатаётган жабр-зулмга қарши, юрт озодлиги йўлида курашда битта-иккита эмас, ўнлаб, юзлаб ватанпарварлар, мардлар, қаҳрамонлар етишиб чиқиши табиий эди. Шундай ҳам бўлди. Ўша пайтда Султон Жалолиддин ёнида Темур Малик, Қулбарс Баҳодир, Санжоқхон, Элчи Паҳлавон, Урхон, Жаҳон Паҳлавон Ўзбек Тойи, Тожидин

инсон сифатида шаклланишида онасининг хизматлари катта бўлган. Муаррихлар унинг онасининг номини икки хил тарзда – баъзан Ойчечак, баъзан Ойчечан деб ёзадилар. Ойчечак номини унинг асл исми деб қабул қилиш мумкин. Негаки, Жалолиддиннинг шахсий муншийси Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий уни айнан шундай ном билан атайди. Ҳукмдорлар ўзларига ва фарзандларига маликалар танлар эканлар, уларнинг гўзаллигидан ташқари ақли-хушли, зиёли, ибодли, оила ва давлат ишларида яқин маслаҳаттўй, шахзодалар ҳамда валиахдларни етук қилиб тарбиялаб етиштира оладиган хусусиятларга эгаллигига ҳам эътибор берганлар. Шу маънода Ойчечак ҳам ўғуларнинг Бекдили уруғи оқсоқолининг кизи бўлган. Бадавлат оиланинг кизи сифатида Ойчечак етарли даражада билим олган. Ақли-хушли, адолатпарвар қиз бўлиб вояга етган. Муаррихларнинг айримлари у ҳақда тўхталиб, «Ойчечак ниҳоятда ғурурли, доно, илм-маърифатни улуғлайдиган, адаб илми, санъат, қиссахонлик, ровийликка меҳр қўйган аёл эди. У тарихга алоҳида эътибор берарди. Ўлимга тик қарайдиган, матонатли, ҳақиқатғўй малика эди», деб ёзадилар. Ҳукмдорлар саройларида аёллар, маликалар ўртасида доимо биринчи бўлиш, бошқаларга ҳукмфармонлик қилиш, фарзандларини валиахдликка эриштириш, хуллас, катта мавқени эгаллаш билан боғлиқ ҳолда доимо ўзаро қарама-қаршилиқлар, зиддиятлар, низолар юз бериб турган. Хоразмшоҳлар саройида ҳам айнан шундай ҳолатлар мавжуд бўлган. Бундай

зиддиятлар фақат Хоразмшоҳнинг хотинлари ўртасидагина эмас, унинг онаси Туркон Хотун билан Ойчечак ўртасида ҳам юзага келган. Маълумки, Ойчечакни Оловуддин Такиш хотини Туркон Хотуннинг раъйига қарши ҳолда ўғли Муҳаммадга олиб беради ва Жалолиддин туғилганда уни Султон Муҳаммаднинг валиахди қилиб тайинлайди. Бу иш, табиийки, Муҳаммад Хоразмшоҳнинг қипчоқ уруғларидан бўлган хотинлари ва улардан туғилган шахзодалар тарафдори бўлган Туркон Хотунга маъқул тушмайди. Шунинг учун у Ойчечакни ҳам, Жалолиддинни ҳам ниҳоятда ёмон кўради, эри Такиш ўлиmidан кейин уларни сарой ҳаётидан четлаштиришга ҳаракат қилади. Ана шундай жараёнларда Ойчечак фаросатли, оқила аёл сифатида ўзини сарой физк-фужурларидан четга олади, ўғлига етук тарбия ва билим беради. Фарзанди қалбига юртига, элига, яқин инсонларига нисбатан чинакам муҳаббат, ҳурмат туйғусини сингдиради. Бу қамдан-кам маликаларда намоён бўладиган хусусият эди. Ойчечак келини, невараси ва яқинлари билан кейинчалик Жалолиддин ҳамроҳлигида Хуросонга ҳам кетади. Ўғлининг Қандаҳор, Парвон, Валиён, Гардиз, Ғазна шахарларида кечган ҳаётида, мўғулларга қарши кураши пайтида ҳамроҳлик қилади. Муаррихлар Жалолиддиннинг Синд дарёси бўйида мўғуллардан мағлубияти тўфайли онаси, хотини, боласи ва бошқа яқинларидан жудо бўлишини «кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган бахтсизлик, оғир қайғу эди», деб таърифлайдилар. Ҳақиқатан ҳам, Жалолиддиннинг ушбу жанг пайтида ҳаётда суянчик, умр йўлларида мададкор бўлган, тақдирнинг оғир синовларида руҳий қувват бағишлаган инсонлар – онаси, хотини, боласи ва бошқа яқинларидан ажралиши, нафақат ажралиши, уларни ўзи ўлим

гирдобига йўллаши оғир мусибат эди. Тақдирнинг бундай беомон, беаёв даҳшатларига ҳамма ҳам чидаш бериши, руҳан чўкмай яшаши, душманга қарши кураш йўлини давом эттириши осон эмас эди. Жалолиддин ҳаётнинг ана шундай оғир зарбаларини ҳам матонат билан енга олди. Бу ҳам мардликнинг бир белгиси эди. Шу ўринда нафақат Жалолиддиннинг, балки унинг онаси Ойчечакнинг матонати, жасорати ҳам алоҳида эътирофга лойиқ. Ҳўш, бу аёлнинг матонати ва жасорати нимадан иборат? Маълумки, мўғуллар қаерни босиб олишса, ўша ерда асир тушганлар орасидан эркакларни, ҳатто бешиқдаги, онасининг қорнидаги ўғил болаларгача қирғин қилишган. Аёлларни эса омон қолдириб, ўзларига хотинликка, чўриликка ва бошқа ишларга олишган. Хоразмшоҳнинг онаси, аёллари, қизлари тақдири ана шундай кечган. Табиийки, Ойчечак ҳам мўғуллар қўлига тушган аёллар ҳаёти сақланиб қолишини яхши биларди. Бироқ у душман қўлига тушиб, улар зулми остида ҳўрликда, азобда яшашдан кўра ўлимини афзал кўради. Шунинг учун ҳам ёнидаги аёллар билан биргаликда ўғли Жалолиддин олдига чиқиб, душман қўлига тирик ташлаб кетишдан кўра ўлдириб кетишини ёлвориб, фарёд этиб сўрайди. Бу орини, ғурурини ҳамма нарсадан устун қўйган, душманга нисбатан нафратини намоёйиш этган иродали, матонатли аёлнинг, маликанинг жасорати эди. Шу сабабли муаррихларнинг аксарияти Ойчечакни ўша давр тарихий жараёнида нафақат қаҳрамон, мард, Ватан озодлиги учун курашган Жалолиддин Мангубердининг онаси сифатида, балки матонатли, жасоратли аёл сифатида ҳам тилга оладилар. Бундай матонатли, жасоратли аёллар, оналар эса Жалолиддин каби жасур, мард, Ватан учун ҳаётини бахшида қилишга тайёр ўғлонларни тарбиялаб етиштириши шубҳасиз эди.

Камол МАТЁҚУБОВ,
Ўзбекистон Республикасида
хизмат кўрсатган журналист

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Тошкент давлат тиббиёт университети ётоқхонасида тонгга қадар чироқ ўчмайди. Бу уйда тартиб ҳам, меҳр ҳам бор. Ва шу меҳрнинг эгаси — 90 ёшни қарши олаётган, ҳаётини ёшларга бағишлаган инсон — Комилжон ота.

Комил ота меҳнат фаолиятини академик Ўттам Ариповга ҳайдовчи сифатида бошлаган.

1994 йилда у собиқ Тошкент давлат тиббиёт академиясининг 3-сонли ётоқхонасига комендант этиб тайинланади. Ўшандан бери, мана 32 йилдирки, у шу уйда, талабалар билан бирга.

Комилжон ота учун бу ётоқхона фақат иш жойи эмас, бу унинг ўз хонадони ва қадрдон оиласи янглиг азиз. Тўққиз қаватли бинодаги ҳар бир хонада унинг излари, меҳри тафти бор.

Комил ота ётоқхонага ҳали талабалар уйғонмасидан келади.

Кун бўйи шу катта “уй”нинг ташвишлари билан яшаб, кеч соат 9–10 ларда хонадонига қайтади.

Ҳар кун ҳар бир талаба билан суҳбат қуришга, унинг ҳолидан хабар олишга вақт топади.

-Талаба ниҳол мисоли, - дейди отахон. - Унинг томирлари шу заминга сингиб, гуркираб қулоч ёймоғи учун унга ҳар кун парвариш керак. Бу парваришнинг оти меҳр, бегараз маслаҳат ва ибрат. Узоқ йиллар мобайнида минглаб талабалар кўз ўнгимда вояга етди. Бугун уларнинг баъзилари чет элларда ишлаяпти, ўқияпти. Аммо ҳар бири қайси мамлакатда бўлмасин, мени йўқлаб туришади. “Ота, дуо қилинг”



деб узоқ юртлардан алоқага чиқишади. Шунда мен ўша ниҳолларга боғланган ришта эканимни ҳис этаман.

Набираларимдан Абзалхон ва эварам Зебохон АҚШда бизнес ва иктисод соҳаларида таҳсил оляпти. Мен ўқимадим, ўқиғанларга кўз-қулоқ бўлдим. Ўзгалар фарзандини ўз болам сингари суяман, мана, меҳнатларим мукофоти... Қаранг, мен бу ерда бир мусофир талабага меҳр берсам,

узоқ ўлкада менинг набираларим мен танимаган инсонлардан меҳр топяптилар. Бу дуолар ижобати бўлса керак. Талабалар Комилжон отани “Ота” деб чақиришади. Ҳар янги ўқув йилида ётоқхонага янги талабалар келса, отахоннинг бағри тўлади. Комилжон ота нафақат университет, балки ён-атрофдаги маҳалла аҳли учун ҳам қадрли. У ҳар бир талабанинг ота-

онаси билан доимий алоқада, керак бўлса сирдош тутинади. Бир боланинг тарбиясига етти маҳалла масъул, деган ҳикматга амал қилиб яшайди.

Қизи Саодат опа отаси ҳақида сўзлар экан, беихтиёр унинг кўзларида қувонч ёшлари ялтирайди: “Отам жуда меҳрибон, тарбияда уйғоқ инсон, - дейди у. - Ҳар кун ишга эрта кетади, кеч қайтади. Баъзан биз унинг ёнида бўлишни хоҳлаймиз, лекин у ётоқхонадаги ёшларни ёлғиз қолдирмайди”.

Ҳа, Комилжон ота учун садоқат — ҳаёт қондаси. У касбини фақат иш деб эмас, элга хизмат, ёшларга меҳр ва ҳаёт мактаби деб билади.

Бугун университетнинг янги авлод талабалари унинг исмини эҳтиром билан тилга олишади. Чунки бу инсон тарбия, меҳнат ва садоқатнинг ёрқин намунаси.

Гулчеҳра МИРЗАЕВА,
журналист.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши партия фаоли, ХДП Яқкабоғ туман кенгашининг собиқ раиси

Неъмат ЖУМАЕВнинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига ҳамдардлик билдиради.

MUASSIS:



O'zbekiston Ovozi
TAHRIR HAY'ATI:

Ulug'bek INOYATOV
Ulug'bek VAFOYEV
Maqsuda VORISOVA
Qalandar ABDURAHMONOV

Gulliston ANNAQILICHEVA
Muslihiiddin MUHIDDINOV
Olim RAYSHANOV
Toshtemir XUDOYQULOV

Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Toshkent, Mустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. **E-mail:** uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: **Ravshan SHODIYEV**

Г — 1037. 1585 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 23:00

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.